

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyatning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

0'zbekistonda sog'iqliqi saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 18 сентябрь • № 37 (1058)

Конференция

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ МАТЕРИ И РЕБЕНКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ

Здоровая мать и здоровый ребенок, пожалуй, самое главное богатство для каждой страны. Ведь поколение обладающее крепким здоровьем – это светлое будущее, на построение которого нацелены все силы и средства государства.

В нашей стране по Указу Президента Республики Узбекистан от 1998 года "О государственной программе реформирования системы здравоохранения" были проведены масштабные мероприятия, которые нашли отражение во всех отраслях медицины. В системе охраны здоровья матери и ребенка значительных успехов добились: Республиканский специализированный научно-практический центр акушерства и гинекологии, Республиканский скрининг центр, а также Центр репродуктивного здоровья и его 13 филиалов. Благодаря проведению своевременной вакцинации с самого рождения, наша республика признана свободной от таких инфекционных болезней, как полиомиелит и ряда других заболеваний.

Для укрепления и поддержания здоровья женщин во время беременности ведется



работа по обеспечению их необходимыми витаминами, в целях предотвращения материнской и детской смертности осуществляется постоянный контроль здоровья беременных. Эти достижения были отмечены в ходе Международного симпозиума: «Национальная модель охраны здоровья матери и ребенка в Узбекистане на тему "Здоровая мать – здоровый ребенок"», проведенного в 2011 году в Ташкенте.

15-16 сентября текущего года в Ташкенте прошла научно-практическая конференция с международным участием на тему "Актуальные вопросы акушерства и гинекологии", организованная Министерством здравоохранения Республики Узбекистан, а также Республиканским специализированным научно-практическим центром акушерства и гинекологии (РСПНПМЦ АиГ). В ее работе приняли участие более 200 специалистов аку-

шер-гинекологов и анестезиологов, среди них были гости из Казахстана, Чехии, России и Украины. Конференцию открыл заместитель министра здравоохране-

ния Республики Узбекистан

Лазиз Туйчиев.

В своей речи он отметил актуальность данного мероприятия и его важность в сфере охраны материнства и

(Окончание на 2-стр.)

Анжуман

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Жорий йилнинг 15 сентябрь куни Тошкент врачлар малякасини ошириш институтида "Олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тибиёт ва доришунос ходимлар малякасини узлуксиз ошириб бориш тизимини такомиллаштириш" мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, Республика ўрта тибиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ходимлари, мамлакатимиз тибиёт муассасаларининг боз шифокор мувонилари, кадрлар бўлими бошликлари ҳамда боз ҳамширлар, тибиёт олий ўқув юртлари қошидаги олий ҳамширалик факультетларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишиди.

Анжуманин Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Туйчиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тибиёт тизимида ютукли натижаларга эришилаётганлиги, шунингдек, давлатимиз

томонидан соҳанинг ҳар бир ўналишига, бунинг барабарида тибиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалаларига қаратилаётган эътибор ва фамхўрлик боис, ахолига кўрсатилётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганлигини таъкидлади. Шу жумладан, Юртошибимизнинг "Ҳамширалик иши" фаолиятини алоҳида қўллаб-куватлашлари туфайли бугунги кунда замонавий ҳамшира қиёфаси кашф этилди. Шундай экан, ҳамширалининг шарафли ва масъуллиятли касбини эъзозлаш, малакасини, шунингдек, илфор технологиялардан фойдаланиш

(Давоми 3-бетда).

Конференция

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ МАТЕРИ И РЕБЕНКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ

рассматривались вопросы охраны материнства и детства, в частности проблемы, часто встречающиеся в акушерстве и гинекологии. Это проблемы кровотечений в акушерстве и использование современных технологий для их предотвращения, проблемы невынашивания беременности, опыт применения акушерских пессариев. Также специалисты обсуждали такие актуальные вопросы, как особенности течения беременности и родов у женщин с анемией и сердечно-сосудистыми заболеваниями, преэклампсии и проблем репродуктивного здоровья женщин и детей.



Акушерство и гинекология, будучи очень широкой сферой здравоохранения является одной из самых сложных, ввиду того, что она направлена на охрану не только здоровья матери, но и ее будущего ребенка. Совокупность знаний, практики и опыта специалистов позволяют пролить свет в решении поставленных перед участниками конференции задач. Ознакомившись с презентациями и докладами участников, мы попросили поделиться их мнениями о конференции.

Дильбар НАЖМИДДИНОВА,
профессор,
директор
Республиканского
специализированного

(Окончание.
Начало на 1-й стр.)

**научно-практического
центра акушерства и
гинекологии:**

– Как известно, охрана здоровья матери и ребенка, воспитание будущего молодого поколения является самой приоритетной задачей в нашей стране. За годы независимости Республики Узбекистан мы многое достигли в этой области. В медицинскую практику вместе с усовершенствованной материально-технической базой вошли новые методы по лечению и оказанию неотложной медицинской помощи в акушерстве и гинекологии. Благодаря этому на сегодняшний день снизился пока-

ники. Идет непрерывный обмен опытом между специалистами. А это значит, что знания и переданный опыт, который был получен ими, будут использоваться в дальнейшей научной и практической деятельности.

Жанна ПАХОМОВА,

профессор,

главный
акушер-гинеколог
Городского управления
здравоохранения:

– Мы сегодня собрались на данную научно-практическую конференцию для обсуждения актуальной задачи – охраны здоровья матери и ребенка. Сегодня для ее решения в практику уже внедрены современные методы лечения и стандарты оказания медицинской помощи. Но поскольку, гинекология является одной из самых сложных направлений медицины, в ней очень много вопросов, которые должны найти свое решение. Сегодня в ходе конференции неоднократно рассматривалась проблема, с которой очень часто сталкиваются акушеры-гинекологи. Это проблема постродовых кровотечений. В ходе родов и при проведении оперативных вмешательств, увы, она и по сей день остается актуальной. А значит, требует безотлагательного решения. Конечно, сейчас для разрешения данной проблемы созданы стандарты оказания помощи, и они внедряются в практику. Но как нам известно, медицина не должна стоять на месте. Следует искать более современные и эффективные пути решения такого рода проблем.

Стоит особо подчеркнуть, что сегодняшняя конференция позволяет посмотреть на проблему с другого ракурса. Исходя из этого, мы должны продвигаться вперед, чтобы еще больше расширить спектр наших знаний. Наряду с уже состоявшимися специалистами, на конференции приняли участие и молодые специалисты. А это очень важно, потому что они получают новые знания, делятся с коллегами, и это подтверждает тот факт, что данное заседание – новый стимул для дальнейших побед.

Усман ЮСУПОВ,
профессор,
заведующий отделением
патологии
беременных женщин
Республиканского
специализированного
научно-практического
центра акушерства и
гинекологии:

Дмитрий КОЧЕВ,
участник конференции
(Москва):

– Я очень рад участвовать в научно-практической конференции, посвященной актуальным вопросам акушерства и гинекологии. На данное мероприятие я приехал с одной целью – поделиться опытом с моими многочисленными коллегами. Хотелось бы рассказать о новых методах скрининга, ведь цель у нас общая – охрана здоровья матери и ребенка. Хочу особо отметить, что в Республике Узбекистан охрана здоровья материнства и детства является самой главной



происшедшем в системе здравоохранения страны, материнская и младенческая смертность сократилась вдвое. Этот факт был особо отмечен в ходе проведения в 2011 году симпозиума по охране матери и ребенка. На сегодняшний день ведется активная работа по охране здоровья женщин фертильного возраста, по ведению беременности и охране здоровья подростков. На конференции специалистами обсуждаются именно эти вопросы. Надеемся, что общими усилиями найдем новые пути решения вопросов, представленных на данном мероприятии.

На второй день конференции для участников были проведены мастер-классы по тематике консервативных методов остановки послеродовых кровотечений и применению акушерских пессариев доктора Арабина при высоком риске невынашивания плода.

В заключении, хотелось бы еще раз отметить, что проведение научно-практической конференции по актуальным вопросам акушерства и гинекологии является очередным шагом в деле охраны здоровья матери и ребенка. Ибо только здоровая мать способна подарить жизнь будущему поколению. И пусть эта конференция послужит дальнейшим успехам в деле охраны здоровья молодого поколения.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТ – СИФАТЛИ ХИЗМАТ



Қашқадарё вилояти Фузор тумани тибиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқи марказий поликлиника фойдаланишига топширилди.

Замонавий қиёфада барпо этилган муассасаса 150 қатновга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ахолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йилида пири бадавлат отахону онахонларга бундай замонавий тибиёт муассасасида кўрсатилётган тиббий хизматдан улар мамнун бўлмоқдадар. Шунингдек, ўзига хос дид билан замонавий қиёфа кашф этган шифо масканни инсонлар саломатлигиги муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.



Ҳамширалик иши

узлуксиз таълимни

ривожлантириш истиқболлари

бүйича тажрибаларини муттасил ошириш, илм-фан янгиликларини амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаёт-ганлиги ҳам диккәтга моликдир. Шу мақсадда мунтазам маҳорат сабоқлари, ўкув-услубий семинарлар ва илмий-амалий анжуманлар ташкил этилаётганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига нинг Фан ва ўкув юртлари Боз бошқармаси бошлиги Ўқтам Исмоилов “Олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориши тизимини тақомиллаштириш” тўғрисида маъруза қилар экан, тизимда кадрлар тайёрлаш, хусусан ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш масалаларида жаҳон тиббиётининг илгор ютуқларидан оқилона фойдаланиш каби устувор вазифаларга алоҳида ургу қаратди. Ба бу борадаги ишларни ташкил этишининг мустаҳкам-хуқуқий ва амалий асослари яратилганни боис, ҳамширалик иши энди тиббиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланниб бораёт-ганлигини таъкидлади.

Ганлийни таъкидлабди.
Вазирликнинг Фан ва ўкув
юртлари Бош бошқармаси
бошлиги ўринбосари Гулнора
Юсупалиева тиббиёт ходимла-
рини ўқитишида модуль тизи-
мининг бугунги кундаги аҳа-
мияти нечоғлик мухимлиги
ҳамда унинг афзаликлари ху-
сусида тўхтаби үтди

Базирлик бош мутахассиси Рихси Салиходжаева ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтиносослаштиришдан ўтказиш масалаларига эътибор қаратар экан, айни пайтда тиббиёт муассасаларида 320 минг нафарга яқин ҳамширалар фаолият юритаётгандиги ва улар соғлиқни саклаш тизимининг бирламич бўгини, шунингдек, шошилинч тез тиббий ёрдам ва бошча ихтиносослашган муассасаларда замонавий технологиялар асосида иш юритишаётгандигини таъкидлади. Жаҳон тиббиётининг илфор тажрибаларидан келиб чиқиб.

лашда құл келмоқда. Ахолига тиббий ёрдамни янада такомил-лаштириш ҳамшира иштироки-га боғлиқ. Ҳозирғи кунға қадар

Тошкент тибиёт академияси ва бошқа тибиёт институтлари-нинг «Олий ҳамширалик иши» бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича З минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр ҳамшира тайёрланди. 80 нафарга яқин талаба эса магистрлик дарражасига эга бўлганлиги ва улар айни кунда даволаш-профилактика муассасаларида бош, катта ва етакчи ҳамшира, тибиёт институти ҳамда коллежларда ўқитувчи лавозимларида фаолият юритаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек, маърузачи ўз фикрларида кадрларни иш билан тъминлаш, малакасини ошириш ва ихтисослаштиришда талаб этиладиган барча меъёрий-хукуқий ҳужжатларга жиддий эътибор қаратиш муҳимлигига урғу қаратилди. Республика ўрта тибиёт ва до-ришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштиришдан ўтказиш маркази директо-ри Л. Мусажонова “Олий ҳамширалик ишини мутахассислар, ўрта тибиёт ва доришунос ходимларнинг малакасини узлук-сиз ошириш ва ихтисослаштиришдан ўтказишида янги техноло-гияларни кўпллаш” мавзусида ўз фикрлариши бўён этиб, мар-

A black and white photograph showing a large, diverse audience seated in rows of chairs, facing towards the left side of the frame. The individuals are mostly adults, with women wearing various styles of dresses and men in shirts and ties. The setting appears to be a formal event or conference held in a large hall with high ceilings and architectural details like columns.

каси ошириш ва қайта тайёрлаш масаласига катта эътибор қартилаётганилигини алоҳида таъкидлади.

Анжуман давомида соҳа мутахассислари тиббиёт муассасаларида ҳамширалар фаолиятида маҳорат дарслари жорий этиш, малака ошириш тизимида ҳамширалик протокол/баённомаларини ўкув жараёнида кўллаш, амалиёт ҳамширалари учун мавзули малака ошириш дарсларини татбик этиш усуллари ҳамда амалиёт дарсларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш каби долзарб мавзуларда чикиш қилдилар.

– Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2014
йил 5 мартда қабул қилинган



баённомаларини ўқиш жара-
ёнига қўллаш мавзусида маъ-
руза қилас эканман, мазкур
меъерий-хукуқий хужжатлар-
нинг иш фаолиятимизда не-
чоғлик катта аҳамиятга эга
еканлигини ўз фикрларимда
баён этдим, – **дейди Наман-
ган вилояти соғлиқни сақ-
лаш бошқармаси бош ҳам-
шираси Райхона Мансуро-
ва.**

– Бугунги кунда ўрта тиббиёт ходимларининг билимни ошириш, кўникмаси, малакасини юксалтиришда Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг худудий бўлинмалари хам алоҳида ўрин тутмоқда. Бу ерда ходимлар маҳоратини ошириш, уларни ихтисослаштириш ва тизимда замонавий технологиялар имкониятидан кенг фойдаланиш тамоилларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилиши натижасида тингловчиларнинг билим ва малака доираси ошиб бормоқда. Бундан ташқари, олий маълумотли ҳамширалар ва ўрта бўғин маъмурӣ ходимларининг малакасини оширишда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги маҳсус курслар хам соҳа мутахассислари тажриба кўламини бойитишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур анжуманда «Ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тизимида ўқитувчи-педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш» мавзусида тўхталар эканман, бу борадаги фаолиятларга янгича ёндашувимиз тингловчилар учун фойдадан холи бўлмайди, – дейди Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Самарқанд худудий бўлими директори Х. Эгамов.

Х. Эгамов.
Анжуман иштирокчилари мавзуу доирасидан келиб чиқкан холда иш фаолиятларыда долзарб бўлиб турган саволлар бўйича соҳа мутахассисларига мурожаат этиб, бу хусусда чукур маълумотларга эга бўлдилар.

**Куннинг иккинчи ярмида Республика ўрта тиббиёт ва до-
ришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослашти-
риш марказида иштирокчилар учун маҳорат дарслари таш-
кил этилди.**



юртимизда олий маълумотли
ҳамширалар тайёрлаш тизими
жорий қилингандиги соғлиқни
сақлаш тизимини малакали
мутхассислар билан таъмин-

ридаги фаолиятларга янгича ёндашув йўлга кўйилганлиги, ҳар бир педагог ходим ўз устида мукаммал ишлаши учун барча имкониятлар мавжудлиги, жумладан, масофадан ўқитиш, ўқитувчи-педагогларнинг мала-

«Қишлоқ» врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари түғрисидә»ги қарорига мувофиқ, КВП-ларида патронаж ҳамшираларининг ишини рейтинг тизими бўйича баҳолаш жорий этилганлиги, бу албатта, соҳа ходимларининг меҳнати самарадорлигини ошириш, ҳамширалик ишини янада ривожлантириш, тиббий хизматни такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десам янглишмайман. Барчамизга маълумки, ўтган йили тури тудудлардаги бешта туманнинг 96 та қишлоқ врачлик пунктининг ҳамширалар ишини рейтинг тизими билан баҳолаш синовдан ўтказилиб, кўпгина ижобий хулосалар олинганлигидан ва бу ишлар яна 18 та туманда давом эттирилаётганлигидан хабаримиз бор. Улар жойларда репродуктив саломатлик ва бехатар оналик, болаша кайрак сутни билан озиқ

**Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.**

Замондошларимиз

ОТАМНИНГ ОРЗУЛАРИ АМАЛГА ОШДИ...

Ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган мөхир шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод Рўзиев кўп йиллар давомидга ахоли саломатлиги йўлида хизмат қилиб келар экан, касби инсонлар ҳаёти учун нечоғлик муҳим эканлигини дилдан хис этади ва ҳар қандай вазиятда ҳам у ота-онаси васиятларию устозлари ўғитларига амал қилган ҳолда беморлар дардига малҳам бўлишдан олам-олам завқ олади.



Дилмурод Рўзиев билан сұхбатлашар эканмиз, у олис болалик йиллари, ота-онаси, устозларини эслаб, ички хис-туйгуларини дилдан гапири берди:

– Отам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эдилар. Кора денгизда ўқ-дори ташиганлар. Кемалар қирғоққа яқин келомаган, соҳилдан икки юз-уч юз метр нарида тұтқаган. Үндаги ўқ-дориларни эса юзлаб одамлар сув кечиб ташишган. Сув кечишлар, неча кунлаб оч-нахор юришлар ўз асоратини қолдирди. Кейинчалик салқын түшди дегунча отамнинг оёқлари шишиб кетар эди. Хеч қандай дори кор қилмасди, онам йиғлагани-йиғлаган...

Дилмурод бир неча лаҳза жимиб қолди. Эҳтимол, у отасининг мунгли ва лекин ҳаётга, тириклика чексиз ишонч билан бокқан, нахот излаган юз-қўзларини кўз олдига келтираётгандир... Унинг ўй-хаёларини бўлмайман.

– Еттинчи синфда ўқиётганимда отам дунёдан ўтдилар. Мен учун ҳаёт хувиллаб қолди. Отамнинг Кора денгиз ҳақидағи хотирапларига нұқта кўйилди. Йўқ, адашган эканман, хотираплар энди бошланди. 14-15 ёшдаман... Отам тушларимга кирадилар... “Ўғлим, мен неча минг марталаб сувини кечган ўша Қора денгизни кўришинг керак... Сен албатта, Самарқандда ўқиб, врач бўлишинг шарт...”, дейдилар. Ярим кечалари уйғониб кетаман. “Ота,

сиз айтгандай, албатта, врач бўламан!” Хуллас, ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишига кирдим. У пайтларда ҳозирги шароитлар йўқ эди. Устозларим аввалига мени жарроҳлик факультетига ўтказмоқчи бўлиши. “Болалар шифокори бўламан!” деб қатъий турив олдим. Орзулерим амалга ошди...

Тажрибали мутахассис ўз фанолияти давомидга кўплаб бемор болажонлар ҳаётини сақлаб қолди. Қанчадан-қанча ота-оналарни дуосини олди.

Отасининг касбиға ҳавас килган Ўлмасжон унинг изидан бориб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ўқишига қарор қилди. У нихоят талаба деган номга эга бўлди. Ёш, интилиувчан, ўз касбиға меҳр кўйган Ўлмасжон институтни мудаффакиятли тугатиб, ўзи туғилиб ўсган Навоий шахрида меҳнат фанолиятини бошлади. Шифокорлик касби сирларини отасидан ўрганган Ўлмас Рўзиев фахр ила шундай дейди:

– Отам ҳақида гапириш, менга фарзанд сифатида ҳам, шифокор, қолаверса, шигорд сифатида ҳам катта масъулият юклайди. Улар 1955 йили Кармана туманида таваллуд топганлар. 1979 йили Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тугатиб, Кармана туман тиббиёт бирлашмасида ва бошқа даволаш муассасаларида болалар врачи, болалар юкумли касаллар врачи, бўлим мудири бўлиб фаолият юритиб кел-

ганлар. 1993-1994 йиллари Навоий кон-металлургия комбинати (НМК) тиббиёт-санитария бўлимида болалар юкумли касаллар врачи, 2012 йилгача шу бўлим мудири, ҳозиргача эса НМК касаба ўшмалари кенгашига қарашли “Металлург” санаторий-профилакторийсининг бош врачи лавозимида ишлаб келмоқдалар. Оилада ҳам, меҳнат фаолиятимда ҳам отамдан аввало, ҳалолликни, касбга садоқатни, беморлар билан самимий муносабатни ўргандим. Отамдаги бу каби инсоний фазилатлар-

даволади. Кўпчиликнинг фахрурурига айланган шундай шогирдим борлигидан кўксим тօғдек кўтарилади.

**Кудратилло ҚАҲХОРОВ,
Кармана туманидаги Ҳўжа
Хисрав маҳалласи фукароси:**

– 1990 йили оғир юкумли касалликка чалиндим. Дилмурод ака мени ҳаётига қайтардилар. У кишини “Халоскорим!” дейман. Онам Дилмурод акани ўғлим деб, ака-укаларим эса акамиз деб қабул қилишган. Чорак асрдан ошибдики, бу инсон билан қадрон, меҳру оқибатли ака-укамиз.

зусида 2006 йилда илмий ишини ҳимоя қилди ва тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Унинг илмий ишига 1998-2005 йиллардаги тажрибаси асос бўлди.

Илмий иш ҳимоясида катнашган профессор Шабот Ҳўжаев “Бу докторлик диссертациясига тенг иштир” дегани хамон ёдимда.

2001 йили Одесса ҳамда кўплаб ҳалқаро анжуманларда Дилмурод Рўзиев билан бирга катнашиб, маърузалар қилганимиз. Бу инсон отам – машҳур вирусолог-олим Исоқ Мусабоевнинг шогирди эканлигини фахранаман.

**Хизмат КОЗОКОВ,
Навоий кон-металлургия
комбинати санаторий-
профилакторийси олий
тоифали шифокори:**

– Устозимизнинг сермазмун умр йўли, бой тажрибаси биз шогирдлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир. Бу инсон бош врач бўлиб келгач, жамоамида катта ўзгаришлар бўлди. Санаторий-профилакторий биносини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Устозимиз 2015 йили “НМК фахрийси” нишони билан тақдирлангани юксак эътироф ифодасидир. Тўғриси, мен касбга садоқатни, беморларга меҳр-оқибатли бўлишини шу инсондан ўргандим.

... Мақоламиз қаҳрамонининг айтган сўзлари ёдимга тушади:

– Самарқандга ўқишига қабул қилинганимда мени жарроҳлик факультетига ўтказмоқчи бўлишганини айтган эдим. Шунда мен қабул комиссияси аъзоларига “Ёши катта қишилар қаери оғриётганини, умуман дардини врачга айтади. Болалар шифокори гўдакнинг қаери оғриётганини ўзи топиши зарур. Бунинг учун эса кўп ўқишим керак!” деб жавоб қайтарган эдим. Бемор мен учун отам, онам, ўғлим, қизим, неварам. Боланинг бегонаси бўлмаганидек, беморнинг ҳам бегонаси йўқ.

Кейинчалик у “Болаларда вирусли гепатитга чалинглар сони бошқа вилоятларга қараганда анчагина юқори эди. Фидойи шифокор Дилмурод Рўзиев ўзи тайёрлаган, жаҳон стандартлари талаблари даржасига мос келадиган вакцинани бу вилоядатда кўллади ва болаларни эмлаш орқали ана шундай оғир касалликнинг камайишига эришиди.

Кейинчалик у “Болаларда вирусли гепатит Ага қарши эмлашнинг эпидемиологик ва иқтисодий аҳамияти, физиологик ўсиши, вирусли гепатит оғирларига қарашли” мавзудида қарашли инсон, ўз касбнинг мөхир устаси Дилмурод Рўзиевнинг сал кам кирк йиллик фаолиятига қисқагина бўлса-да изох бердик. Бутун умрини, ҳаёт йўлини инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишга багишлаган қаҳрамонимиз айни кунда ўзининг табаррук олтмиш ёшини нишонлаётган экан, биз ҳам барча яқинлари, устозу шогирдлари қаторида у кишини таваллуд айёллари билан самимий муборакбод этаиб, оиласи ҳотиржамлик, ишларида эса омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

**Одил ҲОТАМОВ,
Навоий вилояти, Кармана тумани.**



ни фаолиятимда доимий кўллаб келмоқдаман. Чунки отам ва онам бизни ҳалол меҳнат билан вояга етказдилар, ўқитдилар, оилали қилдилар, хуллас, халқ ҳизматидарига ўйлладилар.

Дилмурод Рўзиевнинг устози, “Дўстлик” ордени соҳиби, меҳнат фахрийси Зувайдулло Сувонов шогирди ҳақида шундай дейди:

– Мен бутун умримни халқ таълимига багишиладим. Ўқитувчиликни барча касб-хунарларнинг отаси деб биламон. Дилмуроджон мен ишлайдиган 10-умумий ўрта таълим мактабида ўқиди. 9-10-синфларда унга раҳбарлик қилганиман. Бу ўқувчи ўзининг меҳнатсеварлиги, изланивчанлиги, тиришқоғлиги билан синфдошларига, қолаверса, мактабимизнинг кўпгина ўқувчиликни ўрнан бўлар эди. Хеч ёдимдан чиқмайди, 9-синфдалигида унинг келажакдаги орзулари борасида сухбатлашдик. У барча фанларни катта қизиқиш билан ўрганар, айниқса, она тили ва адабиёти, кимё, биология фанларига қизиқиши катта эди. У бизнинг ишончимизни оқлади: шифокор бўлиб, эл-юрт дуосини олди, ҳатто мени ҳам икки марта

Эркин МУСАБОЕВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор, Республика
вирусология илмий-
текшириш институти
директори:

– Навоий вилоятида вирусли гепатитга чалинглар сони бошқа вилоятларга қараганда анчагина юқори эди. Фидойи шифокор Дилмурод Рўзиев ўзи тайёрлаган, жаҳон стандартлари талаблари даржасига мос келадиган вакцинани бу вилоядатда кўллади ва болаларни эмлаш орқали ана шундай оғир касалликнинг камайишига эришиди.

Кейинчалик у “Болаларда вирусли гепатит Ага қарши эмлашнинг эпидемиологик ва иқтисодий аҳамияти, физиологик ўсиши, вирусли гепатит оғирларига қарашли” мавзудида қарашли инсон, ўз касбнинг мөхир устаси Дилмурод Рўзиевнинг сал кам кирк йиллик фаолиятига қисқагина бўлса-да изох бердик. Бутун умрини, ҳаёт йўлини инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишга багишлаган қаҳрамонимиз айни кунда ўзининг табаррук олтмиш ёшини нишонлаётган экан, биз ҳам барча яқинлари, устозу шогирдлари қаторида у кишини таваллуд айёллари билан самимий муборакбод этаиб, оиласи ҳотиржамлик, ишларида эса омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

ассасалари, маҳаллаларда “Биз гиёхвандликка йўқ деймиз”, “Биз, ёшлар ОИТСга қаршиимиз”, “ОИТСиз ҳаёт сари” каби мавзуларда турли акциялар, расмлар танловлари ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. – **дейди лойиҳа координатори Шерзод Каримов.** – 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида таълим музбадаридан иштаган “Биз – соғлом турмуш тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. – **дейди лойиҳа координатори Шерзод Каримов.** – 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида таълим музбадаридан иштаган “Биз – соғлом турмуш тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. – **дейди лойиҳа координатори Шерзод Каримов.** – 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида таълим музбадаридан иштаган “Биз – соғлом турмуш тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. – **дейди лойиҳа координатори Шерзод Каримов.** – 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида таълим музбадаридан иштаган “Биз – соғлом турмуш тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. – **дейди лойиҳа координатори Шерзод Каримов.** – 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида таълим музбадаридан иштаган “Биз – соғлом турмуш тадбирлари ташкил этилди. Ёшларга ОИВ ва ОИТСдан сакланиш йўллари, гиёхвандликнинг олдини олиш”, “Ёшлар ўртасида репродуктив саломатликни ошириш”, “Ёшлар ўртасида сил, йод ва камқонлик касалликларининг олдини олиш”, “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди”, “Ёшлар чекишига қарши”, “Ёшлар ўртасида тоза кўллар, тўғри оқатланиш, шахсий ва оммавий гигиенни ривожлантириш” каби олти йўналиш бўйича амалга ошири

Парламент ҳаёти

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Президентимиз ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган изчил ислоҳотлар самарасида "Соғлом она – соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшилини халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келмоқда. Истиклол йилларида оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайгани, нуфузли ҳалқаро ташкилот – "Save the Children" ("Болаларни асройлик") томонидан тузилган жаҳон рейтингига Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киргани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ва Меҳнат ва ижтимоий масалаларни кўмитаси ҳамкорлигидаги «**Оналик ва болаликни муҳофаза қилишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**» мавзусида ўтказилган давра сұхбатида ҳамайнан ушбу масалаларга катта эътибор қаратилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, соҳага доир муаммо ва камчиликларни жойларда ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий ечимларини шакллантириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишидан иборат бўлди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалаларни кўмитаси раиси Ёкуб Умаров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айлангани ва бу борада диққатга молик ишлар амалга оширилаётганлиги, бунинг

ган муваффақиятлар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазири ўринбосари Лазиз Тўйчиев ҳам республика тиббиёт тизимидағи самарали ишларга ургу қаратиб, ўтган давр мобайнида соҳага доир 14 та қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилгани, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзgartиш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлиғини саклашнинг ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамланганини, бунинг баробарида давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тизимни ислоҳ қилишга доир 100 дан зиёд фармон ва қарорлари аҳоли саломатлигидаги таъминлашда долзарб аҳамият касб этаётганлигига алоҳида эътибор қаратди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йилдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофaza қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ҳамда "2009-2013 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофaza қилиш борасидағи Давлат дастури тўғрисида" қабул қилинган Қарори болаларимизни жисмоний ва мъянавий жиҳатдан камол топтириш ва ўшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлигига билан алоҳида аҳамият касб этаётганлигига ҳеч биримизга сир эмас. Дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни саклаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлиғини муҳофaza қилиш бўйича сифатли тиббиёт марказлари ва етакчи клиникаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида

чора-тадбирлари дастури тўғрисида" ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида гапириб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида 2014 йил давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. "Соғлом она – соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббиёт кўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди. Юқоридаги фоалиятларнинг мантиқий давоми сифатида айтиш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофaza қилиш борасидағи Давлат дастури тўғрисида" қабул қилинган Қарори болаларимизни жисмоний ва мъянавий жиҳатдан камол топтириш ва ўшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлигига билан алоҳида аҳамият касб этаётганлигига ҳеч биримизга сир эмас. Дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни саклаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлиғини муҳофaza қилиш бўйича сифатли тиббиёт марказлари ва етакчи клиникаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида



лаш, тиббиёт ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни саклаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофaza қилиш соҳасидаги тиббиёт кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, махсус ҳамда юқори технологик тиббиёт ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилганлиги ҳам Фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун оиласиб поликлиникалар, ҚВП, скрининг ва перинатал марказлари, туғрухоналарда болаларни кўкрак сути билан озиқлантиришнинг афзаллiliklari ҳамда камқонлик ва йод етишмаслиги билан боғлиқ касаллиларнинг олдини олишга доир кўргазмали воситаларни янада кўпайтириш, бу борадаги тарғибот ишларининг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш бўйича ўз таклиф-тавсияларни билдирилар.

Тадбир якунида оналик ва болаликни муҳофaza қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Янги қонунга шарҳ

АҲОЛИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИГИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осоийишталиги тўғрисида" ги Қонуни имзоланиб, айни кунда унинг ижросига киришилди.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини муҳофaza қилиш, санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилиб, бу борадаги самарали ишлар натижасида юртимизда эпидемиологик барқарорлик доимий сақланиб келмоқда. Дарҳақиқат, истиколимизнинг илк кунлариданоқ, 1992 йилнинг 3 июлида "Давлат санитария назорати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, вертикаль тузилмага эга бўлган давлат санитария назорати тизими яратилди. Санитария-эпидемиологик осоийишталики таъминлаш мақсадида, давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Баш давлат санитария врачи, Қорақалпогистон Республикаси, вилоят, шаҳар

ва туманлар бош давлат санитария врачлари раҳбарлигидаги 216 та давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Ўтказилаётган давлат санитария назорати натижасида республика худудига ўта хавфли юқумли касаллиларни, шу жумладан, дунёнинг турли нуқталарида қайд этилаётган парранда, чўчқа грипплари, эбола иситмаси, Яқин Шарқ геморрагик иситмаси каби ўта хавфли юқумли касаллиларни, кириши ҳамда тарқалишига йўл кўйилмади. Шунингдек, барча зарур санитария-гигиеник ва эпидемияга карши тадбирлар режали ҳамда мақсадли ўтказилиши натижасида, мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баробарга камайди, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга етди. Қизамиқ,

ложиҳасининг олдинги Қонундан асосий фарқлари:

- **Биринчидан**, Қонун "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осоийишталиги тўғрисида" ги янги ном билан белгиланди;

- **Иккинчидан**, санитария-эпидемиология соҳасидаги масалалар фақатгина давлат органлари томонидан назорат тартибида амалга ошириш йўли билан эмас, балки фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи башкариши органлари фаол иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий пойdevori белгиланди;

- **Учинчидан**, Қонуннинг ўқиши, амалда кўлланилишини осонлаштириш ва тушунилишини соддлаштириш мақсадида санитария-эпидемиологик осоийишталики таъминлаш соҳасидаги асосий тушунчаларга кенг таъриф берилди;

- **Тўртнчидан**, Қонунга Ўзбекистон Республикаси худудининг санитария ҳолатини муҳофaza қилиш, профилактик эмалашлар ўтказиш, дезинфекция тадбирлари, мажбурий тиббиий

қўриклар ҳамда фуқароларни гигиеник тарбиялаш ва ўқитишга қаратилган алоҳида янги боб киритилди.

Қонунда аҳоли ўтасида санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш борасида давлат бошқарувини олиб бориш тўғрисида боб мавжуд бўлиб, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатини белгиловчи меъёрларни ўз ичига олади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осоийишталигини таъминлаш, касаллиларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни кенг олиб бориш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Комил МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи.

Хукуқингизни биласизми?

ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 12
ноябрда Олий Мажлис палата-
ларининг қўшма мажлисидағи
“Мамлакатимизда демократик
ислоҳотларни янада чуқурлаш-
тириши ва фуқаролик жамияти-
ни ривоҷлантириш концепция-
си” мавзуидаги маъruzасида
хусусий мулк, кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни кўл-
лаб-кувватлаш, уларнинг ман-

цензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-тамомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чи-
киб, 2015 йил 20 августда „Ўзбе-
кистон Республикасининг айrim
конун хужжатларига хусусий мул-
кни, тадбиркорлик субъектлари-
ни ишончли ҳимоя килишини яна-
да кучайтиришга, уларни жадал
ривожлантириш йўлидаги тўсиқ-
ларни бартараф этишга қаратил-
ган ўзгартиш ва кўшимчалар ки-
ритиш тўғрисида“ги Конун қабул
қилинди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маммурий жавобгартик түғрисидаги, Мехнат, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Ҳўжалик-процессуал, Ер, Уй-жой ва Солиқ кодексларига, шунингдек, яна 33 та қонунга юқоридаги фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар кири-тилди.

Жумладан, мазкур қонунга асосан, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексларга тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этиладиган ҳукукбузарликлар учун жавобгарлик чораларини либераллаштириш, айни пайтда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган

бошка ҳуқуқбазарликлар учун жиной ва маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди. Бу борада ушбу кодекслар тегишли янги боблар билан тўлдирилиб, уларда хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молияхўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисоб вараклари бўйича операцияларни қонунга хилоф равиша тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошقا тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёзлар ва преференцияларни кўллашни файриқонуний равишида рад этиш, қўлламаслик ёки кўллашга тўсқинлик қилиш, ҳужжалик юритувчи субъектларга ва бошка ташкилотларга пул мабл

лағлары беришни асоссиз ра-
вишда кечиқтириш, тадбиркор-
лик субъектларининг ҳисоб ва-
ракларида пул маблағлари мав-
жудлиги тұғрисидаги ахборотни
қонунга хилоф равишда талаб
қилиб олиш ва бошқа ҳуқуқбу-
зарликлар учун тегишли жавоб-
гарлик чоралари белгиланди.

Соддароқ қирил айтганда, мазкур қонун билан тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонун талабларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган жиной ва маъмурӣ механизмлар тубдан ўзгартирилди. Эндилиқда давлат органлари ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари орасидаги муносабатларда қонун талабларига риоя қилинишини таъминлашда тадбиркорлик субъектларидан кўра давлат органларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш устувор ўрин тутади.

Қабул қилинган қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда тадбиркорларнинг давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоя қилишга каратилган механизмлари белгиланди. Хусусан, Жиноят кодексининг 184-моддасига (солиқлар ёки маъжбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) киритилган ўзгартиришга мувофиқ, биринчи марта ушбу мoddада назарда тутилган жиноятин содир этган шахс, агар у солик текшируви материалларини кўриб чиқиши натижалари бўйича давлат солик хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги солиқлар ва бошқа маъжбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилиган зааранинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди. Айни пайтда ушбу кодекс ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган кўшимчларга мувофиқ, имтиёзлар ва преференцияларни кўллашни файриконуний равишда рад этиш, кўлламаслик ёки кўллашга тўсунликни ишлами мумкин жавобгарликни

кынлик қилиш учун жавобгарлык белгиланди. Бу эса, имтиёзлар ва преференциялар тадбиркорлик субъектийнинг мурожаат қилишидан қатын назар, давлат органи томонидан кўлланилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабининг ижросини таъминлашга қаратилган. Мазкур чоралар тадбиркорлар томонидан айрим қонун хужжатлари нормалари етарли даражада ўзлаштириб олингунига қадар давлат органдарни томонидан уларга тегишли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан мансабдорлик жиноятла-ри учун жавобгарлик тизими туб-дан ислоҳ килинди. Натижада мазкур турдаги хукуқбузарликтарни квалификация қилишда давлат ташкилоти ёки нодавлат ташкилотининг мансабдор шах-

си ва хизматчиси томонидан со-
дир этилган ҳаракатларга бир
турдаги санкцияларни құллаш
амалиёти бекор қилинди.

**Вазирлар Мажхамасининг
2002 йил 28 июндаги 236-сон
қарори билан тасдиқланган
Фаолиятнинг айrim турлари-
ни лицензияловчи органлар
рўйхатига мувоғик, Ўзбекистон
Республикаси Соғлини сақлаш
вазирлигига фаолиятнинг**

риш мақсадларида, шу жумладан, тибиёт ва ветеринарияда фойдаланиш, шунингдек, таркибидаги гиёхванд модда бўлган ўсимликларни ўстириш фаолиятини лицензиялаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар рўйхатига мувофиқ, вазирлик дори воситалари ва тибий буюмларни рўйхатдан ўтказиш, вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилиш каби ўндан ортиқ рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. Бундан ташкари, вазирлик фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларига яна бир нечта йўналишларда давлат хизматлари кўрсатида. Давлат санитария назорати органлари эса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолияти юритадиган аксарият тадбиркорларнинг фаолиятини тек-нишонидан интигор стеди.

ларидан қонун хужжатларини бузган ҳолда хужжатлар талаб қилиб олиш), Жиноят кодексининг 1925⁵-моддасида (лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш) мансабдор шахсларга белгиланган жавобгарлик чоралари соғлиқни саклаш органларига ҳам бевосита дахлдор.

Бошқа давлат органлари
сингари Соғлиқни сақлаш
вазириллиги томонидан ҳам
мазкур қонуннинг мазмун-мо-
ҳияти ва аҳамиятини соҳада
фаолият юритадиган тадбир-
корлар эътиборига етказиш,
шу билан бирга тизим ходим-
ларининг ҳам масъулиягини
оширишга қаратилган муҳим
чора-тадбирлар амалга оши-
рилмоқда. Ушбу чора-тадбир-
лар лицензиялар, рухсат бериш
хусусиятидаги ҳужжатларни бе-
риш, текширувлар ўтказиш,
турли давлат хизматлари кўрса-
тиш соҳасида тизим ходимла-
рининг масъулиятини қатъий
оширишга қаратилган

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўгрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида”ги Қонуннинг тарихий аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Чунки, ушбу хужжатларнинг қабул қилинганлиги мамлакатимизнинг тарихан қисқа даворда оғозлар хусусий мулкнинни

даврда аввал хусусиим мулкнинг улуши деярли сезилмайдиган даражада бўлганини, иқтисодиётнинг ўзи эса тўлиқ маъмурий бошқаруга асосланган давлатдан тадбиркорлар манфаатлари биринчи навбатда ҳимоя қилинадиган давлатга айланганинига далолат беради. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳукукий давлатда ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик шахсни жазолаш учун эмас, балки қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш, бунда барчанинг масъулиятини бирдик ошириш учун белгиланишини кўрсатади.

**Руслан МУХАММАДИЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни саклаш
вазирилтигининг юридик
хизмати бошлиги**

Хүрмэти мүштэрийн дар!

Хурматли муштарилилар!
Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фолиият бошлагандан бўён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий хужжатлар матнини «Расмий хужжатлар» бўлимидан тошип имкониятига эгасиз. Бундан ташкари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик килиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzssgzt.ru мансабидаги хотдел йўлдознинчалик мумкин.

Хурматди газетхондар!

Дүрматгли газетхонлар:
Кейинги йилларда республика соғлиқни саклаш тизимида босқичма-босқич амалга ошириләттән ислоҳотлар ўз самарасини берип келаёттандырып кувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчы тиббий-санитария ёрдами тизимиға қаратилаёттән эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» руқни остида мутахассислар билан мулокот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчы тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси сахифаларида чоп этиб борилади.

Презентация

НОВАЯ ПРОГРАММА ПО СОТРУДНИЧЕСТВУ МЕЖДУ ООН И УЗБЕКИСТАНОМ

16 сентября в отеле Wyndham состоялась презентация новой Рамочной программы ООН по оказанию содействия Республике Узбекистан в целях развития (ЮНДАФ) на 2016-2020 годы. Подписаная Правительством Узбекистана и Представительством ООН в Узбекистане 9 июня 2015 года, программа соответствует основным парадигмам развития принятими ООН, в частности, в области человеческого развития и прав человека, Целей развития тысячелетия (ЦРТ) и Целей устойчивого развития (ЦУР).

Во время приветственной речи министр экономики Республики Узбекистан Галина Саидова отметила: "...очень важно является то, что ЮНДАФ полностью соответствует тем приоритетам и той стратегии, которую Республика Узбекистан наметила на 2016-2020 годы". Она также добавила, что процесс разработки новой программы ЮНДАФ был полностью согласован с министерствами и ведомствами, что позволяет без дополнительной подготовки к адаптационному периоду приступить к реализации основных направлений программы.

Постоянный координатор ООН в Узбекистане Стефан Приснер, выступая с приветственной речью, говорил о со-

ответствии ЮНДАФ основным аспектам ЦУР, которые будут приняты Генеральной ассамблеей ООН 25-27 сентября этого года. Также он вкратце рассказал о процессе подготовки Рамочной программы на 2016-2020 годы, во время которого было проведено множество важных консультаций и встреч с партнерами и донорами, методах ее реализации и мониторинга, необходимости сбора данных, которые помогут более целенаправленно осуществлять проекты по развитию.

Советник по вопросам координации ООН Хуршид Рустамов представил презентацию о стратегическом подходе, который был применен в разработке ЮНДАФ, основных ожидаемых результатах, различиях между

текущей и новой программой, финансовом пакете и механизмах практической реализации.

Началом для новой ЮНДАФ было проведение независимой оценки результатов текущей программы и страновой анализа.

Стратегия новой ЮНДАФ построена на следующих принципах:

- решение проблемы неравенства, при котором внимание будет уделено малообеспеченным социальным и экономическим группам;
- соблюдение и продвижение прав человека в соответствии с международными стандартами;
- проведение анализа развития на основе достоверных данных и фактов, а также улучшение показателей данных по их объему, наличию, дезагрегации, распространению и доступности.

Новая ЮНДАФ будет осуществляться по следующим четырем тематическим направлениям:

- * всеохватывающее экономическое развитие с фокусом на



занятость и социальную защиту;

- * качество здравоохранения и образования для полной реализации человеческого потенциала;

- * защита окружающей среды

для обеспечения устойчивого развития;

- * эффективное управление для улучшения качества государственных услуг и защиты прав.

В завершении презентации Галина Саидова и Стефан Приснер поблагодарили собравшихся за участие и пожелали всем успехов в реализации новой Рамочной программы ООН по оказанию содействия Республике Узбекистан в целях развития на 2016-2020 годы.

Материал предоставлен Информационным офисом ООН в Ташкенте.

Объявление

Республика Узбекистан
Проект «Модернизация онкологических учреждений Республики Узбекистан»
Международные конкурсные торги №UZB-063/ICB/01
Закупка медицинского оборудования для онкологических учреждений Республики Узбекистан

РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ объявлены:
29 января 2015 года в международной газете «Asharq-Alawsat» (Лондон)
30 января 2015 года в газете «Здравоохранение Узбекистана»
30 января 2015 года на сайтах ИБР, Министерства здравоохранения, РВЭГП "O'zmedexport" и Tenderweek.uz
31 января 2015 года в газете «Правда Востока»
13 февраля 2015 года в газете «Народное слово» (повторно)

Лот №	Победитель торгов	Страна	Название и количество поставляемого оборудования	Сумма и валюта присужденного контракта
1	Medconcept Europe S. A.	Бельгия	Компьютерные томографы (Тип 1 - 1 ед.; Тип 2 - 13 ед.)	5 255 000,00 Евро*
2	Daedong Medical Consulting	Корея	C-arm рентген аппараты (8 ед.)	478 010,00 долл. США*
3	Eastern Trading House S. A.	Швейцария	Ультразвуковое оборудование (Тип 1 - 1 ед.; Тип 2 - 2 ед.)	226 761,00 Евро
4	Norvale Co., Ltd.	Великобритания	Хирургический лапароскоп (1 ед.) и коагуляторы (15 ед.)	434 160,00 долл. США
5	MEDEQ Czech s.r.o.	Чехия	Эндоскопическое оборудование (3 типа по 15 ед.)	690 930,00 долл. США

*Сумма контрактов по лотам №1 и №2 указана с учетом увеличения количества оборудования

Republic of Uzbekistan
Support to Development of Oncology Services in the Republic of Uzbekistan Project
International Competitive Bids no. UZB-063/ICB/01
Procurement of medical equipment for oncology centers of the Republic of Uzbekistan

RESULTS OF ABOVE COMPETITIVE BIDS advertised in:
29 January 2015 in international newspaper "Asharq-Alawsat" (London)
30 January 2015 in newspaper "O'zbekistonda sog'liqni saqlash"
30 January 2015 on the websites of IsDB, Ministry of Health, RSFEE «Uzmedexport» and Tenderweek.uz
31 January 2015 in newspaper "Pravda Vostoka"
13 February 2015 in newspaper "Narodnoe slovo" (republished)

Lot №	Winner of the Bid	Country	Description and quantity of supplied equipment	Amount and currency of the awarded contract
1	Medconcept Europe S. A.	Belgium	Multislice Computed Tomographic Scanners (Type 1 - 1 pcs.; Type 2 - 13 pcs.)	5 255 000,00 EURO*
2	Daedong Medical Consulting	Korea	C-Arm System (8 pcs.)	478 010,00 USD*
3	Eastern Trading House S. A.	Switzerland	Ultrasound scanners (Type 1 - 1 pcs.; Type 2 - 2 pcs.)	226 761,00 EURO
4	Norvale Co., Ltd.	Great Britain	Surgical laparoscopy (1 pcs.) and coagulators (15 pcs.)	434 160,00 USD
5	MEDEQ Czech s.r.o.	Czech Republic	Endoscopy equipment (3 types by 15 pcs.)	690 930,00 USD

* Indicated amount of contracts on lot 1 and lot 2 takes into account increase of quantity of equipment

101 хизмати хабар қиласи

БОЛАЛАРНИ ЁНФИНДАН АСРАНГ!

Ота-оналар фарзандларини мактабгача таълим муассасалари ишониб топширишади, ўз навбатида муассаса раҳбарияти бола хавфсизлигини ҳар жиҳатдан таъминлаши керак.

Зоро, таълим даргоҳларида қоидаларини таъминлаш бўйича ишлари изчилик билан олиб борилмоқда. "Биринчи рақамли хавфсизлик" мавзусида ташкил қилинётган учрашувлар барча таълим масканларида раҳбардан тортиб оддий ходимда ҳам электр воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш масъулиятини шакл-

лантиришмоқда. Бу учрашувларда мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаб ишчи ходимларига ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бажарилиши лозим бўлган тезкора ва-зифалар тушунтирилмоқда. Ёнғин бесабаб содир бўлмайди. Эътиборсизлик ёки уй шароитида электр воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилимаслик босаблардан биридир. Кўп ҳолларда бўлалар ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асблоблари

дан ўйинчоқ сифатида фойдаланиши қандай оқибатларга олиб келишини англаб етмайдилар. Ходимларимиз томонидан тарбиячиларга турли кўргазмали воситалар тарқатилиди. Унда акс эттирилган кўнгилсиз ҳодиса боғча опалар томонидан тарбияланувчиларга на-мойиш этилади. Шундан сўнг бўлада ёнғин ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳакидаги тушунча шаклланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари

сирасига кирувчи эвакуация ре-жаси асосида фавқулодда вази-ятларда болаларни бинодан ташқарига олиб чиқиш амалий машгулотларда кўрсатилди. Олиб борилаётган амалий ишлар ўз самарасини бериши учун барчамиз бирдек масъул бўли-шимиз зарур.

Шерзод ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ИИБ
ЁХБ З-ХЁХО катта
мухандиси,
кичик сержант.



— Йўлдан ўтётганда, албатта, қизил, сариқ ва яшил чироқларга қаражимиз лозимлигини унумтайлик.

Инвестиция дастури амалда ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-оиласий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза килиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага илғор технологияларни кенг жорий этишга қаратилаётган алоҳида эътибор тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самародорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Кирқ минг аҳолига хизмат кўрсатадиган поликлиникамизда юздан зиёд шифокор, ҳамшира ва кичик тиббиёт ходими меҳнат қиласи, — дейди оиласий поликлиника бош шифокори Мухаббат Каримова. — Янги бинонинг 18 турдаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлангани аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳа-



мият касб этади. Айни пайтда муассасада илгари мавжуд бўлмаган рентген ва флюорография хоналари ҳам ташкил этилди. Бу, албатта, тиббий хизмат сифатини юксалитиришга хизмат қиласи. Бундай қулайлик ва шароитлардан аҳоли жуда мамнун.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маълум қилишларича, 2015-2016 йиллар давомида оиласий поликлиникалар 200 минг АҚШ долларига тенг 100 турдаги замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланади.

Нуридин РАХИМОВ.

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Навоий вилояти Навбаҳор туманинадаги “Истиқлол” қишлоқ врачлик пункти ҳудудда истиқомат қилувчи 4 мингдан зиёд аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш учун барча шароитларга эга.

Бу ерда амалга оширилаётган ташис қўйиш ва даволаш ишларидан аҳоли мамнун. Муассасада кундузги стационар бўлими очилгани айниқса, кекса беморлар учун айни муддао бўлмоқда. Шунингдек, «Саломатлик-2» лойиҳаси тамонидан тақдим этилган замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги касалликларни ўз вақтида аниқлаш, лаборатория жамламалари асосида тўғри таҳлилларни бир зумда чиқариб бериш аҳоли орасида хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. (ЎЗА).



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилгандага «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси кўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истиқбол кўчаси, 30-йй, 2-кават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигига 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матббаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Баҳтиёр КЎШОКОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Олий ўкув ютидан кейинги таълим ҳамда олий
малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни
аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги
365-сонли қарорига ва “Олий ўкув ютидан кейинги
таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ
Республика онкология илмий марказида
2016 ўкув йилида катта илмий ходим-изланувчилар
институтига кириш учун танловда иштирок этишга
хужжатлар

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

I. Хужжат қабул қилиш муддати – 15 октябрдан 15 ноябргача.
II. Хужжатлар душанбадан шанбагача РОИМ илмий бўлимида
қабул қилинади.

III. Танловда иштирок этиш учун қўйидаги хужжатлар қабул
қилинади:

1. Директор номига танловда иштирок этиш учун ариза;
2. Маълумотнома – объективка, фотосурат билан;
3. Мехнат дафтарчasi нусхаси (тасдиқланган ҳолда);
4. Магистратуруни ёки олий ўкув юртими битиргани ҳақидаги
диплом (магистрлик лавозими киритилгунга қадар) ёки фан ном-
зоди дипломи нусхаси;
5. Режалаштираётган илмий иши бўйича доклад;
6. Докторлик диссертациясининг иш режаси;
7. Илмий журналларда нашр этилган илмий мақолалар рўйхати
(3 тадан кам бўлмаслиги керак), нусхаси билан;

9. Илмий тўпламларда ёки илмий-амалий конференциялар,
семинарлар тўпламларида нашр этилган тезислар рўйхати (иккитадан кам бўлмаслиги керак), нусхаси билан;

10. Танловда иштирок этувчиларнинг илмий ва илмий-педагогик
фаолият олиб боришга лаёқатлигини аниқлаш ҳақида тест
ўтганлиги тўғрисида ОАК томондан берилган гувоҳнома нусхаси;

11. Илмий консультантнинг консультант бўлиши ҳақида ёзма
равишида розилиги;

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси
соҳиблари бўлса хужжатнинг нусхаси.

IV. Имтиҳон топшириш муддати 1 декабрдан 20 декабргача.
Имтиҳонлар ихтисослик (онкология), Ўзбекистон тарихи, фан
методологияси ва чет тили бўйича ўтказилади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил
28 декабрдаги “Олий ва ўкув ютидан кейинги таълим ҳамда олий
малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестация-
дан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида”ги 365-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда
мазкур қарор билан тасдиқланган “Олий ўкув ютидан кейинги
таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, шунингдек, Фан ва тех-
нологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси-
нинг 2015 йил 11 сентябрдаги ФТҚ-03-13/592-сонли хатига
биноан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига, катта
илмий ходимлар-изланувчилар институтига 2016 йил 1 бос-
қичага давлат бюджет маблаблари хисобидан қўйидаги ихтисос-
ликлар бўйича танлов эълон қиласи:

№	ОТМ номи	Ихтисослик шифри	Ихтисослик номи	2016 йил учун ажратилган жой
1	Тошвмои	14.00.13	Неврология	1
2	Тошвмои	14.00.21	Стоматология	1
3	Тошвмои	14.00.38	Спорт тибиёти	1

Обуна – 2016

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда
соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение
Ўзбекистана» газе-
тасига 2016 йил учун
обуна мавсуми да-
вом этмоқда.



Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамка-
бларингиз тажрибаси билан танишишини, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишини иста-
сангиз, севимли газетангизга обуна бўлишини унту-
манг!

Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жа-
моси Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш
Бош бошқармаси мутахассиси Ёрқин Раҳматуллаевич Файзул-
лаевга волида мухтарамаси

САЙЁРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4563 нусха.
Буюртма Г-958.

